КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ПАРТИЯ—ДАВРИМИЗНИНГ АҚЛ-ИДРОКИ, ШОН-ШАРАФИ ВА ВИЖДОНИ

В. Ульянов (Ленин)

Бутун дунё пролетарлари, бирлашинглар!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 142 (5733)
22 ИЮНЬ 1985 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш якунларини ва шу кенгашда ишлаб чиқилган таклифларни амалга ошириш тадбирларини кўриб чиқди.

Бўлиб ўтган кенгаш партиянинг иқтисодий стратегиясини амалга ошириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, Марказий Комитет 1985 йил апрель Пленуми қарорларини бажариш, КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўриш соҳасидаги ишда муҳим бўғин эканлиги уқтириб ўтилди. Кенгашда экономикамиздаги аҳволга берилган реалистик баҳони, унда баён қилинган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, халқ хўжалигининг моддий-техника базасини фан ва техника ютуқларини жорий этиш асосида сифат жиҳатидан ўзгартириш, бошқарув ва хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг илмий асосланган концепциясини коммунистлар, бутун совет халқи тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар.

Сиёсий бюро шуни таъкидладики, кенгашда ўртага қўйилган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш, экономикани интенсивлаш йўлига ўтказиш, фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг миқёсда фойдаланиш умумхалқ, умумпартия иши бўлиб қолиши, ҳамма поғоналардаги ташкилотчилик, сиёсий ва хўжалик ишининг ўзаги бўлиб қолиши лозим. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш пайтида фан-техника тараққиёти асосида халқ хўжалигини интенсивлаш топшириқларига аниқлик киритилиши, бу йўлда ўтказилаётган тадбирлар тармоқларнинг, регионлар ва корхоналарнинг ўн иккинчи беш йиллик планларини ишлаб чиқишда тўлиқроқ эътиборга олиниши зарур, деб топилди. Инвестиция ва структура сиёсатини такомиллаштиришга, мамлакатнинг илмий-техникавий потенциалини мустаҳкамлашга, планлаштириш ва бошқаришни яхшилашга, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг социалистик иқтисодий интеграциясини янада чуқурлаштиришга, кенгашда кўтариб чиқилган бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган аниқ-равшан ташкилий тадбирлар белгиланди.

Сиёсий бюро иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ҳозирги босқичда мамлакат олдида турган вазифаларни эътиборга олиб, партиявий иш қайта қурилишини таъминлаш, ижодий меҳнат муҳитини бутун партиявий таъсир кучи билан қарор топтириш, ишчиларнинг, колхозчилар ва зиёлиларнинг ташаббуси, истеъдоди, маҳоратига кенг уфқ очиб бериш вазифасини юклади. Партия ташкилотлари раҳбар кадрларнинг бутун диққат-эътиборини партиянинг узоқ муддатли сиёсий йўли бўлмиш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратишлари, социал-иқтисодий, илмий-техникавий ва ғоявий-сиёсий проблемаларга замонавий ёндашувларни ҳар томонлама рағбатлантиришлари, ходимларнинг рўй бераётган ўзгаришлар моҳиятини тушунишларини чуқурлаштиришлари, талабчанлик, ўз-ўзини танқид ва ишчанлик руҳини мустаҳкамлашлари, дабдабабозликдан, беҳуда мажлисбозлик, қоғозбозликдан қатъиян халос бўлишлари, консерватизм, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйишлари лозим. Қолоқ участкаларни янги вазиятда зўр куч-ғайрат билан ишлай оладиган, партия қарорларини муваффақиятли равишда турмушга тадбиқ эта оладиган малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Сиёсий бюро халқ хўжалигини ва аҳолини 1985-86 йил куз-қиш фаслида ёқилғи, электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Республика ва маҳаллий партия органларига энергетика объектларини, уй-жой фондини ва коммунал хўжалигини қишга тайёрлашга, шунингдек шаҳар ва қишлоқлар аҳолисини ёқилғи билан узлуксиз таъминлашга оид тадбирлар ўтказилишини доимо назорат қилиб туриш таклиф қилинди. Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш режимини ва улардан оқилона фойдаланишни кучайтиришга эътибор қаратилди.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг дўстона амалий визит билан СССРга келган Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат кенгаши Раиси Т. Живков билан ўтказган музокаралари якунлари муҳокама қилиниб, маъқулланди. КПСС билан БКПнинг Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни чуқурлаштиришга азму қарор берганликлари тасдиқланди. Бу борада СССР билан БХР ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2000-йилгача бўлган даврга мўлжаллаб Москвада имзоланган узоқ муддатли программаси кенг истиқболлар очади. Совет Иттифоқи билан Болгария Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа социалистик давлатлар билан биргаликда бундан буён ҳам халқаро вазиятни соғломлаштиришга, Европада ва бошқа қитъаларда тинчликни мустаҳкамлашга интилаверадилар.


Костомукша кон-саралаш комбинати қуриб битказилиши муносабати билан ўтказилган тадбирлар чоғида ўртоқ Н. А. Тихоновнинг Финляндия Республикаси Президенти М. Койвисто билан бўлиб ўтган суҳбатлари якунлари маъқулланди. Комбинатни қуришда Финляндия фирмалари қатнашди. Мамлакатимизнинг Финляндия билан муносабатларида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1948 йилги шартномага мувофиқ яхши қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлашга қаратилган йўлдан бундан буён ҳам муттасил олға бораверишни, турли ижтимоий системаларга мансуб давлатларнинг тинч-тотув яшаши намунаси бўлиб қолган Совет—Финляндия муносабатларида орттирилган жамики ижобий ютуқларни ардоқлаб асраш ва кўпайтириш нияти изҳор этилди.


Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этишга оид қарорлар амалга оширилиши муносабати билан меҳнаткашлардан КПСС Марказий Комитетига тушаётган хатлар тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ички ва ташқи сиёсатнинг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари—амалда







ТОШКЕНТ—ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР ШАҲРИ

Бир йил муқаддам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлиб ўтган эди. Унинг қарорлари партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда, республика пойтахти ҳаётидаги салбий кўринишларни бартараф этишда ўзининг самарасини бермоқда. Бу вақт мобайнида меҳнат коллективларида ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, назорат ва ижро этишнинг ленинча принципларини янада ривожлантиришда анча ишлар қилинди.

Мамлакатимиз ҳаётида шонли воқеа бўлажак КПСС XXVII съезди шарафига Тошкент индустрияси дадил одимлаб боряпти. Барча меҳнат коллективларида республика ва шаҳар ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббуси кенг қўллаб-қувватланмоқда, «КПСС XXVII съездига —27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда.

КПСС Марказий Комитетининг апрель [1985 йил] Пленуми кўрсатмаларини дастурамал қилган ҳолда экономикани интенсивлаштириш, фан-техника ютуқларини жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш учун кураш, ишлаб чиқариш резервларини доимо қидириб топиб ишга солиш борасидаги ишлар қизғин давом этмоқда.

Тошкентликлар ажойиб анъанани давом эттириб, мамлакат коммунистлари анжуманига ўзларининг ажойиб меҳнат совғаларини ҳозирламоқдалар.

МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАЙЛИК, ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

У. У. УМАРОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Пленум Марказий Комитет Бюросидан, барча партия комитетларидан саноат ва транспортга партиявий раҳбарликни қатъиян яхшилашни, кадрларнинг масъулиятини оширишни, барча партия ташкилотларида камчиликларга нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтиришни талаб қилди.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

ЙИРИК нарса узоқдан яхши кўринади, дейишади. Нарса ва воқеаларнинг ҳақиқий миқёсларини кўриш учун кенглик ёки вақт маъносида узоқдан назар ташлаш лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларининг бутун миқёслари, муҳимлиги бугунги кунда орадан бир йил ўтгач, яққол кўриниб турибди.

Бугун қилинган ишларнинг баъзи якунларини кўриб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, шаҳар халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида муайян ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Кўпгина корхоналарда коммунистларнинг активлиги ошди. Бошланғич партия ташкилотларининг талабчанлиги, раҳбарлар, мутахассислар, хўжалик кадрларининг масъулияти ва талабчанлиги, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаёт масалаларини ҳал этишда меҳнат коллективларининг роли ошди.

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент» трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд», чинни заводлари, 11—«Висотстрой», «Жилстрой» трестлари, В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени ва бошқа корхоналар бир маромда ишламоқдалар. «Ўзбексельмаш» бирлашмасида, «Ташсельмаш», Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводларида ишларни анча яхшилашга, планларни қатъий бажаришга эришилди. Қурилиш коллективлари бир маромда ва сифатли ишлайдиган бўлиб қолдилар, улар турар жойлар, мактаблар, бошқа социал-маиший объектларни бунёд этиш билан машғуллар.

Лекин энг муҳими, ҳамма жойда кишиларнинг руҳияти ўзгармоқда. Маънавий-психологик иқлим яхшиланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми шуни таъкидлаган эдики, кўпгина салбий кўринишларга барҳам бериш осонликча бўлмайди ва бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларига, барча коммунист ва комсомолларга ҳар бир участкада, ҳар бир коллектив ва бутун республикада юксак гражданлик ва талабчанлик вазиятини қарор топтиришни, бутун чоралар билан социалистик интизомни мустаҳкамлаш ва тартибни йўлга қўйиш юзасидан кундалик, мунтазам қизғин иш олиб боришни даъват қилган эди.

Бугунги кунда бу курашнинг умумхалқ миқёсига чиққанлиги бизни қувонтиради. Унга коммунистлар ва партиясизларнинг тобора янгидан-янги оммаси қўшилмоқда. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг апрель [1985 йил] Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этишга меҳнаткашларни сафарбар этмоқдалар.

Ўтган бир йил ичида иш услубимиз ўзгарди. Ҳар қандай ғалабалар юзасидан ҳамма жойда аюҳаннос солиш даврлари ўтиб кетди.

Бугунги кунда партия комитетларининг бюро ва пленумлари, кўпчилик бошланғич партия ташкилотларининг кўпгина йиғилишлари учун ишларнинг аҳволини кескин танқидий таҳлил этиш характерли бўлиб қолди. Фақат раҳбарларнинг докладлари эмас, балки оддий коммунистларнинг сўзлари ҳам кўпгина ҳолларда танқидий эҳтироснинг ошгани, нуқсонларни ҳадиксирамасдан айтавериш, етилган масалаларни, коллективларнинг нормал ҳаётига халақит бераётган барча нарсаларга барҳам бериш йўлларини муҳокама этиш билан ажралиб турмоқда. Партия ташкилотлари сиёсий соғломлигининг аниқ кўрсаткичи бу қуйидан танқид, унинг кескинлиги ва характери даражасидир.

Агар коллективда коммунистлар ўртасидаги принципиал, талабчанлик муносабатлари қўллаб-қувватланса ва рағбатлантирилса шунга ишкилланмаса бўладики, бу ерда хўжалик нуқсонларини ўз вақтида илғаб олишади ва улардан қутилиш йўлларини коллектив тарзда муҳокама қилиб топишади. Бу ерда раҳбарларнинг қонунчиликни бузишларга, ахлоқий ножўяликларига йўл қўйишмайди. Аксинча танқидга муросасизлик вазиятида кўпинча қонунсизлик палак ёзади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида бу ҳақда принципиал гап борган эди.

Шаҳар партия ташкилотида пленумдан кейин ўтган вақт ичида меҳнат ва ижтимоий ҳаётда маънавий-психологик иқлимни соғломлаштириш, социал адолат принципларига ҳеч сўзсиз риоя қилиш, салбий кўринишларга барҳам бериш, коммунистик ахлоқ норма ва принципларидан чекиниш ва уни қўпол суратда бузишнинг мавжуд ҳолларига қарши кураш янада кучайди.

Бизда олти район партия комитети секретари, 7 ижроия комитет раиси ва раис ўринбосари, корхона ва қурилишларнинг 42 раҳбарини ишдан озод қилишга тўғри келди, уларнинг кўплари КПСС Уставини бузишга йўл қўйган, коммунист деган номга номувофиқ хатти-ҳаракатлар қилган эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI, XIX пленумлари қарорларини бажара бориб, шаҳар партия комитетлари партия, совет, хўжалик қурилишининг барча участкаларида сиёсий етук, профессионал маълумотли, ахлоқий фазилатларга эга, коллектив ўртасида обрў-эътибор қозонган кишилар раҳбарлик қилишлари учун кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштиришга эришмоқдалар. Фақат улар гина оммани ўз ортларидан эргаштиришлари, партиянинг барча топшириқлари бажарилишини таъминлашлари мумкин.

Бу ишда биз КПСС Марказий Комитетининг апрель [1985 йил] Пленуми талабларидан келиб чиқяпмиз. Яъни ҳозирги раҳбар ишнинг кўзини билиши, янгиликни ҳис этиши, ташаббускорлиги, дадиллиги ва масъулиятни ўз зиммасига олишга шай ҳолда туриши, вазифани қўя билиши ва уни охиригача ҳал этиши, хўжалик юритишнинг сиёсий моҳиятини назардан қочирмаслик лаёқати билан ажралиб туриши керак.

Шаҳар ва район партия комитетларининг кадрлар номенклатураси тартибга солинди. Кейинги вақтда шаҳарда умуман яхши тайёргарликдан ўтган, сиёсий етук, партия ишига садоқатли раҳбарлар ўсиб вояга етди ва шаклланди, муайян кадрлар потенциали яратилди. Шаҳар партия комитетининг кадрлар номенклатурасида кўпгина миллат вакиллари бор. Бу эса аҳоли барча қатламлари манфаатларини лозим даражада ҳисобга олишга имкон беради.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни тайёрлаш ва тарбиялашда партия ташкилотлари, партия комитетлари бюролари, меҳнат коллективларининг роли ошмоқда. Кадрлар билан ишлашда демократик формалар практикадан жой олди. Ишга кўтаришга тавсия этилаётганлар партия йиғилишларида, меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилмоқда. XVI пленумдан кейин ўтган вақт ичида очиқ партия йиғилишларида юздан зиёд номенклатура ходими олдиндан муҳокама этилди.

Шаҳарнинг кўпгина партия комитетларида бугунги кунда раҳбар кадрларга характеристика беришга ёндошиш ўзгармоқда. Уларда ижобий фазилатлар билан бирга салбий жиҳатлар чуқур очилмоқда. Кейинги вақтда раҳбар коммунистларнинг ҳисоботлари партия йиғилишларида, партия комитетлари ва партия бюроларининг мажлисларида кўпроқ кўриб чиқиладиган бўлиб қолди.

[Давоми 2-бетда].

КОММУНИСТ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ ҲАҚИДА
ОҚШОМ СУҲБАТЛАРИ

ВАТАН ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

Ўзбекистонда ўсиб вояга етган ажойиб меҳнатчилар ўзларининг бутун касб маҳоратини, меҳнатга бўлган меҳр-муҳаббати ва ижодий муносабатларини ишга бағишламоқдалар ҳамда юксак пировард натижаларга эришмоқдалар.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида номи янграган илғорлар қаторида В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-йиғувчилар бригадаси бошлиғи, коммунист Назрулла Маннопов ҳам бор эди.

КПСС XXVI съезди делегати Назрулла Маннопов коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжуманида КПСС Марказий ревизия комиссияси аъзоси қилиб сайланган. Бундан ташқари у Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ҳамдир.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Маннопов ҳикоя қилади:

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитетининг бир йил аввал бўлиб ўтган XVI пленуми йўл қўйилган нуқсонларни тузатишнинг, назорат ва ижрони текширишнинг ленинча принципларини янада ривожлантиришнинг аниқ йўлларини белгилаб берди-ки, бунга партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари ўзларининг амалий ишларида доимо риоя қилишлари керак.

Бу даврда мен аъзоси бўлган корхона партия комитети, маъмурияти ва кадрлар хизмати катта ишларни қилди.

Бирлашмада ўрта бўғинни — раҳбар кадрларнинг резерви бўлган, иши маълум даражада ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини, коллективдаги интизом ва уюшқоқликнинг аҳволини, маънавий-сиёсий муҳитни белгилайдиган ишлаб чиқариш мастерларини танлаш ва жой-жойига қўйишга катта аҳамият берилди.

Бирлашмада меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасини жорий этиш ва янада такомиллаштириш бўйича талайгина ишлар қилинди.

— Сиз КПСС Марказий Комитетининг жамиятимиз олдига катта вазифалар қўйган апрель (1985 йил) Пленуми ишида қатнашдингиз. Авиасозлар коллективида бу вазифалар қандай ҳал этилаяпти?

— Ўсиш суръатларини, ўсганда ҳам талай даражада ўсиш суръатларини жадаллаштириш вазифасини бемалол бажарса бўлади, — деди ўртоқ М. С. Горбачёв Пленумдаги ўз нутқида, — бунинг учун фақат экономикани интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни бутун ишимизнинг марказига қўйиш, бошқарув ва планлаштиришни, структура ва инвестиция сиёсатини қайта қуриш, ҳамма жойда уюшқоқлик ва интизомни кучайтириш, фаолият услубини тубдан яхшилаш зарур.

Бу ерда меҳнат коллективлари ҳал қилувчи роль ўйнашлари керак. Чунки фойдаланилмаган резервлар ҳар бир корхонада, ҳар бир қурилишда бор.

Масалан, эскирган ускуналар ва технология билан қандай қилиб жаҳон стандарти даражасидаги буюмни тайёрлаш мумкин. Бизнинг авиация бирлашмамизда ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш бўйича анча ишлар қилинаяпти.

Бугунги куннинг муҳим вазифаси саноат роботларини жорий этишдан иборат.

Маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор беряпмиз. Лекин бу борада ҳали кўп иш қилиш керак.

(Давоми 2-бетда).

Социалистик тузумнинг буюк инсонпарварлиги ва адолатпарварлиги барча салбий ҳодисаларни муросасизлик билан тугатишни талаб қилмоқда. Коммунистларни ана шу йўлдан буриб юбора оладиган ҳеч қандай куч йўқ.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАЙЛИК, ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Кадрларга талабчанликнинг кучайиши, топширилган иш учун уларнинг масъулиятн ошиши, бугунги кунда партия комитетлари, шаҳардаги кўпчилик партия ташкилотлари кундалик фаолиятининг ажралмас хусусиятига айланди.

Бундан бир неча йил муқаддам энг йирик коллективлардан бири —«Ташсельмаш» заводида тиғиз аҳвол рўй берган эди. Шу заводнинг собиқ директори, КПСС аъзоси О. В. Новицкий кадрлар билан ишлашнинг партиявий принципларини қўпол суратда бузиб, димоғи кўтарилган, танқид билан ҳисоблашмай қўйган эди. Бу партия ташкилоти томонидан талабчанликнинг пасайиб кетиши, коммунист-раҳбарнинг фаолияти ва шахсий ҳулқ-атворига принципнал партиявий баҳо берилмаганн оқибатн эди. Натижада коллективда маънавий-психологик иқлим ёмонлашдн. Гуруҳвозлик майдонга келдн. Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг аҳволи кескин ёмонлашиб кетиш хавфи туғилдн.

Шаҳар партия комитетн, Ҳамза район партия комитетн бу корхонадагн ишларнинг аҳволига принципнал баҳо берадилар. Бу корхона раҳбарларнинг мустаҳкамладилар. Кўрилган чоралар, бунда бошланғич партия ташкилотининг тутган принципнал позицняси коллективга республика қишлоқ хўжалик машинасозлигининг байроқдорн деган шарафлн номни қайта тиклаш имконини бердн.

Афсуски, бизда ҳамон шундай партия ташкилотлари ҳам борки, улар барча масалаларда раҳбарларга пешвоз чиқадилар. Шунинг учун ҳам бугунги кунда партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш вазифаси биринчи ўринга қўйилмоқда. Бизнинг назаримизда, шаҳарда ўтаётган жанговарлик кўриги ички партиявий муносабатларни соғломлаштиришн зарур. Бу кўрик курашга кирпшмаган, «сен менга тегма» қабилида иш тутаётган, тартиб-интизомни йўлга қўйиш, барча салбий кўринишларга барҳам бериш ўзининг иштирокисиз ҳам бўлаверишини кутиб ўтирганларга актив таъсир кўрсатишн зарур.

Биз учун энг қўрқинчлиси — лоқайдликдир. Агар XVI пленум нуқтан назаридан принципнал сўз юритадмган бўлсак, тартибсизликка лоқайд муносабатда бўлишнинг ўзи ҳам бир позицядир. Шунинг учун зарарли қатти-ҳаракатларни қилмаган, аммо бундай ҳатти-ҳаракатлар қилаётган кишилардан ўзини четга олаётганларни оқлаб бўладмми, ахир! Ҳа, умуман аралашмаслик позицняснни тутиш ўзининг совуққонлигини оқлаш учун бир баҳона излаш эмасмикин! Баъзилар, кел энди муносабатимизни бузиб нима қиламиз деб, «душман» орттиргисн келмайди, бундан чўчийди. Ҳамма билан яхши ва мулойим бўлишни хоҳлайди.

Партия ташкилотларининг жанговарлигини, коммунистларнинг принципиаллигини оширишда, кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришда навбатдагн ҳисобот-сайлов кампанняси янги муҳим босқич бўлмоғи керак. Ишончимиз комилки, ҳисобот ва сайловлар коммунистларнинг ўзаро талабчанлиги, партия комитетлари ва ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг такомиллашишм вазнятида ўтади.

Шу билан бирга тан олиш керакки, бизда кадрлар масалаларида ҳали хатоларга йўл қўйилмоқда. Яқинда очиб ташланган фактлар шуни кўрсатдики, бизда ҳали кадрларни танлаш ва ишга кўтаришда, демократик асосларни ривожлантиришда юзакичилик оз эмас. Масалан, ўтган йилнинг охирида область комсомол комитети аппаратн партия ташкилоти партия йиғилишида (секретарн А. С. Шаймурзина) коммунистларнинг сўзларида жиддий баҳо олган Т. С. Умархўжаев Собир Раҳимов район комсомол комитетининг биринчи секретарлигига тавсия этилдн. Орадан бир неча ой ўтгач, район партия комитетн бу-зилишларга йўл қўйганлиги учун уни КПСС сафидан ўчирди ва эгаллаб турган лавозимидан бўшатишга мажбур бўлди.

Партия ташкилотн коммунистнн раҳбарлик лавозимнга тавсия этишга юзаки ёндошганлиги, унинг сиёсий ва ишчанлик, аҳлоқий сифатларини чуқур ўрганмаслиги оқибатида шундай ҳол рўй берган.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, баъзи раҳбарга ўзидан катта кишининг яхши сўзи ҳам, танқиди ҳам кор қилмайди. Мана шундай кезларда ходим шу ўринга лойиқмн ўзи, деб дадил сўраш керак. Аммо масаланн шу тарзда қўйишни баъзи шахслар хоҳлашмайди. Шу ўринга нолойиқ бўлган кишиларни кўриб турпшса ҳам ўзларнни кўрмасликка соладилар. Улар масаланн шунинг учун қўйишни хоҳлашмайдики, унн ўзлари тавсия этганлар-да. Ўз шахсий хатоларининг пайқаб қолиб, афсуски унн тан олишга ожиқмайдилар. «Ишга кўтарилган» эса обдон ишни расво қилгач, бу хатоларнн тўғрилайдилар.

Кишн хато қилса бу ёмон албатта, бироқ ўз хатосини кўра бнла турнб, унн тузатмаса бунн кўрқоқлик, партиявий принципимизга хнёнат билангнна тенглаштирш мумкин.

XVI пленумда такаббурлик ҳақида кескин гап борган эдн. В. И. Ленининг таъкидлашича, айнан шу такаббурликдан ҳар қандай жонли ишнн тўғраларга пучга чиқариш бошланади. Ўзининг ҳар қандай нуқтан назари, баҳоси, ҳатти-ҳаракатларн бехатолигига ишонч, бунинг устига каттамн-кичикмн бунн хизмат мавқеи билан мустаҳкамлаш, бошқалар фикрига кўл силташ шакшубҳасиз шунга олиб борадики, кишн ўзн ҳам турмушдан ажралиб қолади, давр талабларидан ортда қолади, ўзига топширилган ишни кетга суради.

Шунинси таажжубланарли ва кишинн ҳафа қиладнки, баъзн раҳбарлар, ҳатто оддий ходимлар ўзларининг лавозимларида нима қилсак бўлаверади, деган комил ишончда бўлиб қолганлар. Зотан, улар ҳар сафар ва ҳамма кишилар билан эмас, айнан сизнинг ишингизга таъсир кўрсатиш пайти келган чоғларда ўзларнни шундай тутишади. Уларнинг кишининг иззат-нафсига тегадмган нлжайишларн ва кишнни пастга урадиган луқмаларига нима дейсиз!

Бу ҳалатн яшовчан иллат ҳақида гапирганда шуни айтиш керакки, такаббурлик фақат раҳбар ходимлар учунгина характерли бўлиб қолмай, кўпинча медицина ҳамшираси халатинн кийиб олганлар, магазин пештахталари ортида турганлар, бошлиқ қабулхонасида, авнакасса туйнуги ортида шундай ҳолларга дуч келиб турамиз. Ҳолбуки, айнан ана шу жойларда кишилар ўз хизмат бурчларига кўра кишиларга жуда эътибор билан қарашларн керак. Қўполлик ва босар-тусарнни билмай қолиш ҳолларига бизнинг кўнгилчанлик билан муносабатда бўлиш, кечирувчанлигимиз туфайли шундай бўлмоқда. Бизнинг позицнямиз муросасиз бўлмоғи керак. Мамлакатнинг бир қатор шаҳарларида ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатиб турибдики, меҳнат коллективларида йилдан-йилга ҳурмат-эътиборга талаб ошиб боряпти. Меҳнаткаш инсоннинг иззат-ҳурматини жойига қўймоқ керак.

Фақат ҳурмат қилибгина қолмай, балки ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг юксак унумли, ташаббускор ва ижодий меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқ керак. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлган чоғида бунга жиддий эътиборни қаратган эди.

Бу корхонада, шак-шубҳасиз, муайян ўзгаришлар рўй берди. Аммо ҳамма жойда ҳам шундай деб бўлмайди. Шаҳар партия комитетига «Таштекстильмаш», «Узбекхлопкомаш» асосий заводларида, «Ўртоқ», тамаки фабрикаларида, «Узавторемонт» бирлашмасининг бир қатор заводларида ва бошқа корхоналарда ишчилар ошхонаси ёмон ишлаётгани, маиший бинолар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ёки йўқлиги ҳақида ҳақли эътирозларнинг келиши давом этмоқда.





ТОШКЕНТ—ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР ШАҲРИ



Ўзбекистон Компартнясн Марказнй Комнтетнннг XVI пленумнда маҳсулот сифатнни, топшнрнлаётган объектлар сифатнни ошнрнш тўғрнсндa жиддий фикрлар айтнлдн. Бу масала партня иқтисодий снёсатнннг диққат марказнда турибдн. «Сифат ва яна сифат — бу бизнинг шнорнмиздир! — КПСС Марказнй Комнтетнннг апрель (1985 йнл) Пленумнда ана шундай деб таъкндландн. Бунда халқнинг замонавий техникага, турли хил товарларга, ноёб буюмларга бўлган эҳтнёжнни янада қондиришнинг ишончли йўли балқиб турибдн. Ўтган йилн Тошкентда олий категорняли сифат билан ишлаб чиқарилган маҳсулот салмоғи шаҳар бўйнча 37,6 процентни ташкнл этдн. Умумий маҳсулот ҳажмида эса 21 процентнн ташкил этади. Партиямизнинг бўлажак съездн шарафнга шаҳар меҳнат коллективлари бу муҳнм кўрсаткнч бўйнча янада юксак марраларни белгиладнлар.

Шаҳримиз кундан-кунга чирой очиб боряпти. Янги турар жой кварталлари, ноёб маъмурий, маиший ва маданий бинолар қад кўтармоқда. Фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз, сифатли қурамиз — бу тушунча йилдан-йилга катта аҳамият касб этмоқда, тошкентлик меҳнаткашларнинг шарафли ишига айланмоқда.





ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Буларнинг ҳаммаси коммунист-раҳбарлар, партия ташкилотларига боғлиқ. Масалан, «Узбексельмаш» бирлашмасида [Ў. Қ. Исмоилов] ишларнинг аҳволини тубдан ўзгартиришга муваффақ бўлдилар. Бу эса коллективда кўтаринкилик, ўз корхонаси учун янги ватанпарварлик ҳис-туйғуларн вазнятини яратдн, бу эса юқорида таъкидлаб ўтилганидек кўп йиллар мунтазам орқада қолиб келган бирлашманнинг мана, беш кварталдан буён сурункасига тармоқ корхоналари социалистик мусобақаси ғолиби бўлишига, 1984 йил якунлари бўйнча эса Ўзбекистон Компартняси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва республика комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга кнритишига имкон берди.

Бугунги кунда биз шундай вазифаларни ҳал этаяпмизки, бу ғоят даражада изланиш, бутун куч-ғайратни сафарбар этишни, юксак онглилик, интизомни талаб этади. Сўз ва иш бирлиги, ташаббус ва масъулият, ўзига ва ўртоқларига талабчанлик съездолди даврида коммунистларнинг йиғилишларн, шаҳар, район ва партия комитетларининг пленумларида ўзаро фикр алмашишнинг асосий шиори ва моҳиятига айланди.

Шу кунларда партия барча совет кишиларнинг давр тараққиётининг ўзи жамиятимиз олдига қўяётган янги, катта миқёсдаги, масъулиятли вазифаларни ҳал этишга ундамоқда. КПСС Марказий Комитетининг апрель [1985 йил] Пленуми илмий техника тараққиёти базасида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш концепцняснни белгилаб берди. Унинг мақсад ва моҳияти шундан иборатки, экономикамиздаги баъзи қийинчилик ва салбий тенденцияларга тезроқ барҳам бериш учун ва олға томон катта силжишлар қилиш учун шарт-шароит яратиш керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси қарори билан Марказий Комитетда чақирилган илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари бўйнча кенгашда бу ҳақда муфассал ва рўй-рост гап борди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, партия илгари сураётган кенг миқёсдаги вазифаларни амалга ошириш шак-шубҳасиз партиявий ишда чуқур ўзгаришлар қилишни, инсоний омнл сингари барча ўзгаришларнн ҳал қилувчи омилни ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб этади. Бутун чоралар билан кадрларнинг онгн ва кайфиятларида: юқоридан қуйигача, ишчидан тортиб министргача туб ўзгаришлар ясаш, уларнинг эътиборини энг муҳим нарсага — илмий техника тараққиётига қаратиш керак. Партия ташкилотлари бугунги кунда ана шундай амалий мақсадга эга бўлишлари ва унн амалга оширишлари лозим. Талабчанлик — ҳозирги рўй берган вазият ана шунн талаб этмоқда. Энг қаттиқ ва муросасиз имтиҳон — ҳаёт имтиҳонига дош бериш учун мана нималар қилмоқ керак.

Кенгашда биз сусткашлик қилмаслигимиз, кутиб ўтирмаслигимиз кераклиги тўғрисида даъваткор сўзлар янгради. Зотан, кутиб ўтиришга вақт ҳам йўқ. Кутиб ўтирадиган пайт ўтиб кетди. Фақат олға томон боришимиз, яна ва яна сўрғатин оширишимиз зарур.

Факт ва рақамлар

● Ўзбекистон Компартнясн Марказнй Комнтетнннг XVI пленумндан кейнн ўтган вақт нчнда шаҳар индустрнясн планга қўшнмча суратда 45,9 мнллнон сўмлнкдан знёд саноат маҳсулотларн ншлаб чнқарди.

● Мамлакат ва республика халқ хўжалнги тошкентликлардан планга қўшнмча суратда нўплаб машннасозлнк буюмлари олди. Шу давр нчнда фақат Ўзбекистон ва регнон пахтачнлнк хўжалнгнга қўшнмча 78 та қудратлн трактор, 58 та чнгнт экнш сеялкасн, 26 та пахта терш машналарн жўнатилдн. Халқ хўжалнгнннг турлн ташкилотларн ва корхоналарн, объектларн планга қўшнмча суратда 33 та компрессор станцняснн, 12 та электр кўпрнклн махсус кранлар, 207 та йнгнрув машналарн олдн.

● Шу давр нчнда қўшнмча суратда 35 тонна ёзув қоғозн, паррандачнлнк фермаларн ва бўрдоқнгга боқнш комплекслари учун 11,5 мннг тонна аралаш озуқа, 980 тонна макарон маҳсулотларн, 264 тонна ўснмлнк мойн тайёрланди, топшнрнққа қўшнмча суратда 87 мннг жуфт чарм ва тўқув пойафзаллари тайёрланди.

● Кейнннгн вақтда шаҳар бнр қатор енгнл саноат корхоналарнда аъло сифатлн тақчнл буюмларнн ншлаб чнқарнш бўйнча технологнк потоклар кенг қулоч ёйдн. «Малнка» трнкотаж, «Қнзнл тонг» тнкувчнлнк ва бошқа ншлаб чнқарнш бнрлашмаларнннг мутахасснслари замонавнй технологняни жорнй этнш ташаббускорлари бўлдилар.

● Ҳознр беш мнннстрлнкнннг шаҳардагн 15 та корхонасн («Подъёмник», «Средазэлектроаппарат», «Тошкент трактор заводн», «Средазкабель», «Узбексельмаш» ншлаб чнқарнш бнрлашмалари, «Технолог» нлмнй-ншлаб чнқарнш бнрлашмасн, «Ташэлектромаш», «Ташсельмаш» заводлари ва бошқа корхоналар) нқтнсодий эксперимент шароптларнда ншламоқда.

Бу корхоналар ншлаб чнқараётган маҳсулотлар жамн саноат маҳсулотлари ҳажмнннг салкам 20 процентнни ташкнл этмоқда. Шу йнлнннг январь-апрель ойларнда товар маҳсулотн ншлаб чнқарнш суръатн 105,9 процентнн ташкнл этдн. Бу эса ўртача йнллнк даражадан 1,6 процент нўпднр. Нқтнсодий экспернментга ўтнб ншлаётган корхоналар шу йнлнннг дастлабкн тўрт ойн нчнда топшнрнққа қўшнмча суратда 4088 мннг сўмлнк буюмлар ншлаб чнқаришдн. Шунснн муҳнмнн, бу корхоналар реалнзацня қнлншнн ҳнсобга олган ҳолда буюмларнн етказнб бернш планнни 99,6 процент бажарншдн, бу ўртача йнллнк даражадан 1,9 процент нўпднр.

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

ЁШЛАРНИНГ АКТИВЛИГИ ОШИРИЛСИН

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги шароитида ёш авлоднинг роли муҳимдир. Ҳозирги минг йилликнинг охирига борганда жаҳоннинг тақдири кўп жиҳатдан ҳозирги ёш авлодга боғлиқ бўлади. Шу сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мазкур йилни Халқаро ёшлар йили деб эълон қилиб, йигит ва қизларни социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиришга, давлат ва жамоат ишларида активликни оширишга, тинчлик учун, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш учун курашда ёшлар ташкилотларининг ролини оширишга чақирди.

Мамлакатимиз иқтисодий ва социал тараққиётининг ҳамма соҳаларига совет ёшлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Ленин комсомоли партиянинг ишончли резерви, ёш авлодни тарбиялашда, коммунизм идеалларн тантанаси учун курашда унинг актив ёрдамчисидир.

Ёшлар ўз куч-ғайратларини ва ақл-заковатларини, ҳамма янги ва илғор нарсаларга қизиқишларини ишга солиб, мамлакат олдида турган энг муҳим иқтисодий вазифаларни ҳал этишда иштирок этмоқдалар. Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга бағишланган кенгашдаги докладида буни таъкидлаб ўтди.

Республика шаҳар ва қишлоқларида 21 июнь куни «Жаҳон ёшлари—тинчлик учун курашда» мавзусида ўтказилган навбатдаги ягона сиёсий кунда сўзга чиққанлар республика халқ хўжалигида ишлаётганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этишини таъкидладилар. Ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи соҳаларида 21 мингдан ортиқ комсомол-ёшлар бригадалари муваффақиятли меҳнат қилмоқда.

Республикамиздаги минглаб ёш ташаббускорлар бутун мамлакат ёшлари билан биргаликда зарбдор қурилишларда меҳнат қилмоқдалар, Ноқоратупроқ зона ва Сибирь табиий бойликларини ўзлаштирмоқдалар, Байкал—Амур магистралини қурмоқдалар. Республика комсомол ташкилотининг Халқаро ёшлар йилини ўтказиш, ёшлар ва студентларнинг Москвадаги XII Жаҳон фестивалига тайёргарлик борасидаги фаолияти тинчлик ва дўстлик учун халқаро ёшлар ҳаракатига, ер юзидаги барча халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга, империализмнинг кирдикорларини, унинг идеологик қўпорувчилигини даф қилиш йўлидаги курашга салмоқли ҳиссадир.

Совет ёшларининг барча муваффақиятлари Коммунистик партия билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, Ленин комсомоли Коммунистик партия раҳбарлигида яшаб курашаётганлиги нутқларда таъкидлаб ўтилди. Унинг кучи ва мустаҳкамлиги, янги-янги муваффақиятларининг гарови — партия раҳбарлигидадир. Партиянинг комсомолга раҳбарлиги планли, мунтазам характерга эга бўлиб, ёшлар союзи барча бўғинларининг актив, собитқадам фаолиятини таъминлаиоги керак. Бизнинг партиямиз ёш авлодни коммунистик идеалларга садоқат, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашни масъулиятли партиявий иш, давлат ва умумхалқ иши, деб ҳисоблайди. КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарори партиянинг ёш ўринбосарлар тўғрисидаги ғамхўрлиги янги далилидир. Партия совет ёшларининг юксак маданиятли, билимли ва меҳнатсевар, бутун куч ва ғайратларини севимли Ватанга бағишлашга тайёр бўлиб камол топишларини истайди, баъзан ёшлар орасида учраётган меҳнатда ва ижтимоий ҳаётдаги пассивлик, сиёсий ғўрлик, истеъмолчилик ва шахсиятпарастлик кайфиятлари фактлари ҳаққоний ташвиш тугдирмоқда. Докладчилар сиёсий кун қатнашчиларининг диққат-эътиборини йигит-қизларнинг ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиясини янада такомиллаштириш, уларда маркса-ленинча дунёқарашни шакллантириш, улардан ҳар бирининг ўз гражданлик бурчини, Ватан тақдири учун шахсий масъулиятини онгли равишда тушуниб етадиган қилиб тарбиялаш зарурлигига қаратдилар. Ёшликдан, октябрятларнинг отрядларида, пионер ташкилотларида болалар онгига тўғри ҳаётий позиция мустаҳкам негизларини сингдириш учун энг ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш айниқса катта эътиборни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда «коммунизмни чинакамига ўрганиш», Ер юзида тинчлик учун актив курашиш, КПСС XXVII съездини, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини меҳнатда, ўқишда, ҳарбий хизматда конкрет ютуқлар билан кутиб олиш комсомолнинг, барча ёшларнинг энг муҳим иши эканлигини нотиқлар таъкидлаб ўтдилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, партия комитетларининг сайлаб қўйилган активлари, совет ва жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар меҳнаткашлар ҳузурида сўзга чиқдилар ва уларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

(ЎзТАГ).

ВАТАН ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Нуқсон ва камчиликлар, бирлашма партия комитетида, бюрода, бошқарнғч партия ташкилотларида жиддий муҳокама қилинятп. Коммунистлар танқид ва ўз-ўзини танқид сингари қуролдан тўғри фойдаланиш масалаларига кўп эътибор берилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кўрсатмаларига амал қилиб, олға ҳаракатимиздаги ғовларни бартараф этиш йўлларини биргаликда излашаяпти. Бу ўзининг ижобий натижаларини бераяпти.

2 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

22 ИЮНЬ. 1985 й.

— **Партиянинг апрель Пленумида ҳозирги пайтда «биринчи навбатда одамлар активлаштирилган тақдирда инсбатан тез самара олиш, ҳар бир кишн ўз ўрнида вижданан ва тўла самара билан ишлайдиган бўлишига эришиш» зарурлиги айтиб ўтилди..**

— Мен ишлайдиган шасси цехи бирлашмадаги энг масъулиятли участкалардан бирндир. Бизнинг бригадамиз асосан ёшлардан иборат. Бунинг ишлаб чиқаришда алоҳида аҳамияти бор — ёшлар бутун кучлари билан янги техникага интилади, жадал меҳнат қилади, мураккаб ийғув жараёнларини тез ўзлаштиради, ўз зиммасига юклатилган вазифани аъло даражада бажаради. Чунки улар пировард натижа учун ишлашади, катта коллективнинг меҳнатига якун ясашади.

Бу ютуқларда бригада ветеранлари — Орип Комилов, Холмурод Тожимуродов каби ўзининг бой тажрибасини, маҳоратини шогирдларига ўргата олган, муносиб ишчи ўринбосарлар тайёрлаган кишилар бор. Ташаббускорлик, ўз ишига ижодий ёндошув бизга смена топшириқларини 137—140 процент бажариш имконини бераяпти. Бирлашмада ижодий фикри билан мураккаб ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришимизга ёрдам бераётган рационализаторлар талайгина. Лекин корхонанинг мураккаб механизмида фақат илғорларнинг куч-ғайрат сарфлаши етарли эмас. Бу ерда ҳар бир ишчи ўзига ишониб топширилган иш участкаси учун чуқур масъулиятни тарбиялаши, ўз бурчини, давлат планини бажариши ва технология ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий амал қилиши лозим.

— **Суҳбатимизни давом эттириб, ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнаган яхши ташаббусларга эътибор беришни истардик.**

— 1981 йилнинг бошида республика илғорлари қаторида мен ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббуси билан чиқдим. Яқинда беш йиллик муддамдан ўзиб, 1989 йил ҳисобига ишлай бошладим. Цехдаги ҳамкасбларим ҳам катта муддага яқинлашяптилар. Токарлар А. Хамро ва В. Филипповнинг меҳнат календарида август, слесарлар Г. Хамзин ва фрезерчи Д. Гершманнинг меҳнат календарида эса 1989 йилнинг июль ойи давом этмоқда. Токарлар А. Ёқубов ва Р. Вильмах улардан бироз ортда боришяпти.

— **Бу йил аслида КПСС XXVII съездига тайёргарлик йилидир. Сиз мамлакат партия анжуманини қандай совғалар билан кутиб олмоқчисиз?**

— Ҳозирги давр мамлакат ҳаётида ва ҳар бир совет кишиси ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга. Республикада ва унинг пойтахтида «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббуси кенг қўллаб-қувватланди. Ташаббускорлар орасида бизнинг коллектив вакиллари — фрезерчилар бригадаси бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати Иван Басанец, фрезерчилар бригадири Владимир Одилов ҳам бор. Улар 1986 йилнинг биринчи кварталн планини съезд очиладиган кунгача бажариш мажбуриятини олдилар. Бу ташаббусни бирлашманинг бутун коллективи қўллаб-қувватлади. Коммунистлар анжумани шарафига жойларда оширилган мажбуриятлар олинди. Ҳар биримизнинг бурчимиз — шахсий меҳнатимиз билан белгиланган топшириқларнинг бажарилишига ҳисса қўшишдан иборат.

1985 йил давлат планини муваффақиятли бажариш, ўн иккинчи беш йилликни яхши бошлаш ҳар биримизга боғлиқ. Бу бизнинг КПСС XXVII съездига муносиб совғамиз бўлади.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ОДАМЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Пленум капитал қурилишга раҳбарлик қилишдаги катта-катта нуқсонларга эътиборни қаратди. Капитал маблағларнинг самарадорлиги пастлигига, уларнинг сочиб юборилишига, топширилаётган объектларнинг сифати қониқарсизлигига, қувватлар ўз вақтида ишга туширилмаслигига бундан буён тоқат қилиб бўлмайди.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

КОМБИНАТИМИЗ уй-жойлар қуришга ихтисослаштирилган. Ҳар йили ҳамшаҳарларимиз учун 800 минг квадрат метрга яқин уйлар қуриб бериляпти. Ҳар бир уй бу қувонч, шодиёна. Янги уйга кўчиб кираётган кишиларни ҳеч кузатганмисиз? Улар хурсандлигидан ўзини қаерга қўйишни билмайдилар.

Бу бир йўла киши зиммасига янада юксак масъулият юклайди. Янада сифатли, янада унумли меҳнат қилишга ҳаракат қиласан, киши.

Худди бу масала Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бир йил мукаддам бўлиб ўтган XVI пленумида ўткир қилиб қўйилди. Унда кўп минг кишилик қурувчилар шаънига ўринли ва айни пайтда ҳақли эътирозлар билдирилди.

Пленумдан кейин ўтган бир йил мобайнида бу борада сезиларли ишлар амалга оширилди. Айниқса биз, уйсозлар пленум қарорларидан тегишли хулоса чиқариб олиб, уйларни сифатли қуришга, ўз муддатида нуқсонларсиз фойдаланишга топширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Мен бошлиқ бригада ҳам шу йилнинг беш ойлик планини барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли уддалади.

Хуллас, шу кунларда уйсозларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини оғишмай амалга ошириш, КПСС нинг бўлажак XXVII съездини ёруғ юз билан кутиб олиш ва ниҳоят замонавий, сифатли уйлар қуриб, одамларга қувонч улашиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

И. ОРИПОВ,
1-уйсозлик комбинати бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати.

Ҳозир партия ва бутун халқ ҳаётида масъулиятли ва ниҳоятда тиғиз давр бошланди.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

БРИГАДАНИНГ КУЧИ

ЎРТОҚ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетидаги фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашда таъкидлаб ўтганидек, «ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини оширишнинг ҳамма резервларини қидириб топиб, ишга солиш— ҳозирги энг муҳим вазифадир». Бу муҳим вазифани ҳал этишда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулини жорий этиш ва такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги ишлаб чиқариш бригадаларига катта ваколат берилган. Улар ишчилар малакасини ошириш, бригадаларни комплектлаш, планлаштиришда иштирок этишади, социалистик мусобақа илғорларини аниқлашади, меҳнат ва технология интизомини бузувчиларни масъулиятга тортишади.

Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси ҳозир корхонамизда асосий усул бўлиб қолди. Ижодий ёндошув, инженер-техник ходим ва ишчиларнинг меҳнатни ташкил этишнинг илғор системасини такомиллаштиришдаги иштироки ишлаб чиқаришга кўпгина ноёб хулосаларни жорий этиш, ҳар йили меҳнат унумдорлигини 4—5 процентга ўстириш, 200 дан ортиқ ишчини озод қилиб, бошқа участкаларда фойдаланиш имконини берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларига мувофиқ тракторсозлар коллективида кадрларни танлашга ва қуйи бўғиндаги раҳбарлар билан ишлашга жиддий эътибор бериляпти. Корхона партия комитети қарори билан участка бошлиқлари, мастерлар ва бригадирлар цех партия ташкилотлари номенклатурасига киритилди. Уларни танлаш, тайёрлаш масаласини бошланғич партия ташкилоти ҳал этади.

Ҳозир бирлашманинг бутун коллективи партиянинг бўлажак анжумани шарафига бошланган меҳнат вахтасида қизғин меҳнат қилмоқда. Барча цехлар, участкалар, бригадаларда «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди.

Мусобақадошларнинг олдинги сафида энг яхши коллективлар — темирчилик-пресслаш цехининг Ц. Семенюк, Г. Кунашук ва С. Давлатов, йиғув цехидаги Л. Крупнова, автомат цехидаги М. Олимбоев бошлиқ бригадалар боришяпти.

М. ТУРОПОВ,
«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-йиғувчиси, партком аъзоси, КПСС XXVI съезди делегати.

Социалистик қонунларнинг қатъий ва тўла-тўкис бажарилишини, ҳуқуқ-тартиботга риоя этилишини таъминлаш, жумладан, хўжалик муносабатлари соҳасида ҳам қонунларни бузиш ҳолларига йўл қўймаслик ва шундай ҳолларни ўз вақтида аниқлаш юзасидан зудлик билан чора кўрилиши лозим.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

• Иш услубларини такомиллаштирайлик

ҚОНУНЧИЛИК ПОСБОНЛИГИДА

ШАҲАР прокуратура органлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажара бориб, ўз иш услуб ва методларини янада такомиллаштиришга, бошқа ҳуқуқ муҳофазаси органлари, партия, совет, жамоат ташкилотлари билан жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича ўзаро алоқанинг янги, самаралироқ формаларини қидириб топишга алоҳида эътибор қаратяптилар.

Аввало, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва кўтаришнинг ленинча принципларига қаттиқ амал қилинаяпти. Прокуратура раҳбарлиги бошланғич партия ташкилоти билан биргаликда раҳбарлик лавозимларига анча пухта, сиёсий етук юристларни кўтаряпти. Аппарат ва район бўғинлари ходимлари орасида партия аъзолари миқдори ўсяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида социалистик мулк ўғирланиши, порахўрлик, хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш каби салбий ҳодисаларга қарши муросасиз кураш олиб бориляпти. Безорилик, ичкиликбозлик, шахснинг нафсониятига жинояткорона ҳамла қилиш кабиларга қарши кураш кучайтирилди.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятида қонунларга аниқ риоя этилиши устидан назорат кучайтирилди. Социалистик мулкни муҳофаза этиш борасидаги хўжасизлик, давлат интизоми бузилишларига қарши кураш бўйича қонунлар ижросини текшириш маҳаллий саноат, мева-сабзавот хўжалиги, нефть маҳсулотлари давлат комитети, шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бошқармаси, умумий овқатланиш системаси ташкилотларида, шаҳардаги айрим саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида ўтказилди.

Социалистик мулк ўғирланиши ҳақидаги жиноий ишларни тергов қилишда жиноят содир қилинишига имкон берувчи шарт-шароитлар аниқланишига, прокуратура органлари томонидан тергов олиб борилган ишлар бўйича моддий зарар амалда қопланишига катта эътибор қаратиляпти.

Меҳнат коллективлари ҳақидаги, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳақидаги, ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш ҳақидаги қонунлар ижросини назорат этишга катта эътибор берилаяпти.

Гражданларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, меҳнат коллективлари ва аҳолининг тартиб бузилишлари ва жиноятнинг олдини олишдаги ролини тушунтириш бўйича ишлар кучайтириляпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳуқуқ муҳофазаси органлари олдига қўйган талаблар позициясидан туриб амалга оширилган ишларга танқидий баҳо бериб эканмиз, тан олиш керакки, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш борасида дастлабки қадамларгина қўйилди. Биз барча ҳуқуқ муҳофазаси органларининг ишини активлаштиришимиз, уларнинг ҳамкорликдаги иши самаралироқ бўлишига эришишимиз, айниқса, ичкиликбозлик ва алкоголизм иллатларини, балоғатга етмаган ёшлар ва меҳнат коллективларининг аъзолари содир этадиган тартиббузарликларни бартараф этиш, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва ўқув юртларида профилактика ишини ташкил этиш масалаларида жамоатчиликка кўпроқ таянишимиз керак бўлади.

Г. ФИЛИППЕНКОВ,
Тошкент шаҳар прокурори.

• Советлар ва ҳаёт

МАИШИЙ ХИЗМАТ НАЗОРАТДА

Депутатларнинг обрўси ва активлиги, уларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини ҳар томонлама кўтармоқ керак.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

САРТАРОШХОНАЛАР район меҳнаткашларига қандай хизмат кўрсатяпти, уй бекалари костюмини химчисткага топшириш ёки холодильник ремонти учун буюртма беришга иш сменасидан кейин қанча вақт сарфлашяпти?

Ушбу масалаларнинг ҳаммаси халқ депутатлари Киров район Совети қошидаги депутатлик доимий комиссиямиз олдида туриши бежиз эмас. Сайловчилар билан бўлган сайловолди йиғилишларида айни шулар ҳақида гапирилган эди. Сайловчилар бизга наказлар беришар экан, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича конкрет таклифлар киритишди.

Районимизда кейинги пайтда маиший хизматни яхшилаш борасида кўп ишлар қилинди. Фақат Юнусобод массивининг ўзида сайловчилар накази асосида сартарошхона, маиший хизмат шаҳарчаси қурилди, «Лола» салони, «Гуллар» магазини очилди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида маиший хизмат комплекслари ишлаб турибди, асбобсозлик заводида бу иш яхшиланяпти.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам аҳвол бирдек эмас. Бизнинг комиссиямиз депутатлари Киров районида маиший хизмат тармоқларини кенгайтириш бўйича белгиланган топшириқ қандай бажарилаётганини текширишди. Маълум бўлдики, режалаштирилган 60 та точкадан фақат ярми ўзлаштирилган.

Ўтган йилга нисбатан район миқёсида аҳолига хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари яхшиланган бўлсада, ойлар бўйича белгиланган план бажарилмаяпти. Демак, маиший хизмат корхоналари мижозларни жалб этолмаяптилар, аҳолининг ўсган талабларини қондиролмаяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларида маҳаллий Советларга савдо, маиший хизмат ва коммунал хизматини яхшилаш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш таклиф этилган эди. Пленум қарорларини бажара бориб, Киров район Совети ижроия комитети, доимий комиссиямиз маиший хизмат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда маиший хизмат точкаларининг иш режимини қайта ташкил этишди. Кўпгина корхоналар дам олиш кунисиз ишлаяпти, дам олиш кунлари ҳам уларнинг бир қисми икки ва бир ярим смена ишлаяпти.

В. КОПЕЙКИН,
халқ депутатлари Киров район Советининг маиший хизмат бўйича доимий комиссияси раиси.

• МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ҲИССАСИ

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари К. Ёрматов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ўзбекфильм» киностудияси бутун коллективи учун дастуриламал бўлиб қолди.

Яқиндагина республика кино уйида премьера бўлиб, жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Р. Ботировнинг «Лейтенант Некрасовнинг айби» фильми ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган. Кинорежиссёр Али Ҳамроев яратаётган «Мен сени унутмайман» картинасини оталаримиз ва боболаримиз тарихий ютуқлари учун, ер куррасида тинчлик учун замондошлар и м и з нинг масъулиятлилигига бағишланган.

Кинорежиссёр Учқун Назаровнинг «Келининг ўғирланиши» картинасида замондошимизнинг қизиқарли, ҳаяжонли проблемаларига муносабати талқин этилади.

Ҳамза ҳақидаги «Оловли йўллар» кинофильмининг сўнгги серияларини суратга олиш тугалланди. Шу йил ёз охирларида у Марказий телевидение орқали намойиш этилади.

Яқин кунларда киностудияда мамлакатимиз барча халқларининг ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қоладиган КПСС XXVII съездига бағишланган ленталарни суратга олиш бошланади.

Ш. АББОСОВ,
Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ўзбекфильм» киностудиясининг директори, СССР халқ артисти.

XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА



Факт ва рақамлар

● Машинасозлик инженер-техник ходимлари конструктив-технологик ишларни ниҳоясига етказишда, янги қудратли, герметик кабинали тракторлар ишлаб чиқаришни, уруғни аниқ экадиган «Кедр» мосламали универсал чигит экиш сеялкалари, компрессорнинг янги турлари, чет эл мутахассислари тан берган пневматик йиғирув машиналарини ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, харидоргир кенг истеъмол буюмларини ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва тайёрлаш бўйича кўпгина ишларни амалга оширдилар.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида жойларда қарор топган ҳақиқий меҳнат интизоми ва тартиб, материал, хом ашё, электр энергияга оқилона ёндошиш моддий-техника харажатларини анча камайтириш, маҳсулотлар, қурилиш-монтаж ишлари, халқ хўжалигини транспорт билан таъминлаш планларини бажариш имконини берди.

● Натижада фақат ўтган йилнинг ўзидагина 10,6 минг тоннага яқин қора металл, 12,3 минг тонна цемент, 45,6 минг кубметр ёғоч тежалди. Шунингдек, 30 минг тонна шартли ёқилғи, 108 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 80,8 миллион киловатт-соат электр энергияси, 3 минг тонна автобензин нўшимча суратда тежалди.

● Халқ хўжалиги юкларини автомобилда ташиш чоғида транспорт жараёнлари такомиллашмоқда. Фақат Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автотрести транспорт корхоналарига шу йилнинг январь-май ойларида 14 миллион тоннага яқин юк ташди. Шу жумладан, планга қўшимча 260 минг тонна юк ташиди. Бу ерда кейинги йилда планли юк ташишнинг ўсиш суръати 4,7 процент ошди, юк оборати 9,8 процент ошди.

● Аввалги йиллардагидек Тошкентда катта миқёсларда ишлаб чиқариш ва носаноат объектлари капитал қурилиши амалга ошириляпти. Шу йилнинг беш ойи якунларига кўра 144 миллион сўмликдан зиёд асосий фондлар ишга туширилди. 271,5 миллион сўмлик ҳажмда капитал маблағлар лимити ўзлаштирилди. 144 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

● Шу давр ичида (давлат капитал маблағлари ва ЖСК маблағлари ҳисобига) 298,6 минг квадрат метр турар жойлар фойдаланишга топширилди. Бу 19 мингдан зиёд тошкентликлар янги шинам квартираларда ҳовли тўйлари ўтказди, демакдир. 1560 ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, бошқа бир қатор социал, маданий-маиший ва коммунал хўжалиги объектлари ишга туширилди.

● Хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари янада ривожланди. Шу йилнинг ўтган беш ойи ичида шаҳар аҳолисига 34,2 миллион сўмлик турли хил маиший хизмат кўрсатилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 миллион сўмлик кўп, демакдир. Шу йилнинг беш ойи ичида қўшимча суратда 60 га яқин маиший объектлар, шу жумладан 22 та объект эса бевосита саноат корхоналарида, ташкилотлар ва муассасаларда қурилди. Ҳаммаси бўлиб, шаҳарда бугунги кунда 1800 дан зиёд ателье, устахона, қабул пунктлари мавжуд. Улар аҳолига 700 дан зиёд турли хил маиший хизмат кўрсатишяпти.

● Тошкентда 1984 йилнинг иккинчи ярим йиллигида ва шу йилнинг биринчи кварталида 170 та маиший хизмат объекти ишга туширилди. Улар орасида Ўзбекистон пойтахти аҳолисига 16 хил хизмат кўрсатаётган Фарҳод кўчасидаги маиший хизмат уйи, Юнусобод массивининг СВ—1 микрорайонидаги ходимлари кийимларини химиявий тозалаш, пойафзаллар, соатлар, холодильникларни ремонт қилиш билан шуғулланаётган маиший хизмат шаҳарчасидир.

...Халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларини, умуман беш йиллик планни муваффақиятли бажариш учун илмий-ишлаб чиқариш потенциалидан, минерал хом ашё ва меҳнат ресурсларидан, жамики ички резервлар ва имкониятлардан тобора тўла-тўкис фойдаланишга ҳаракат қилиш лозим.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан)

• Фан билан ишлаб чиқариш—ҳамкор

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДАН

ИНСТИТУТИМИЗ коллективи илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш йўлида тадқиқотларни изчиллик билан олиб бормоқда. Институтимиз олимлари тайёрлаган ечимларни халқ хўжалигига тадбиқ этишдан шу беш йилликда кўрилган умумий иқтисодий самара 50 миллион сўмни ташкил этди. Муваффақиятли тадбиқ этилган ечимлар орасида метрополитен учун тоннеллар ва станцияларнинг зилзилага бардошли янги конструкциялари ва йирик ҳажмли темир бетон элементлари, шамолда нурашга қарши курашиш учун самарали метод, ОВХ—14 ва ОВХ—28 пахта териш ва кўрак териш аппаратлари, пуркагичларнинг узеллари ва механизмларини, ҳўл чармларни сиқиб сувини чиқариш учун машиналар, АТПР—100—тўқимачилик дастгоҳлари ва бошқа соҳалар учун машиналарни яратиш ва такомиллаштиришга доир илмий ечимлар бор.

Бу олимлар илмий ишларни такомиллаштира бориб Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги билан ҳамкорликда «Чарм— пойафзал саноати машиналари ва механизмлари механикаси» соҳа илмий-тадқиқот лабораториясини яратдик, бешта лабораторияни иккита йирик лабораторияга айлантириб қайта ташкил этишимиз натижасида майда ва ўхшаш темалар устида иш олиб боришга барҳам берилди.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида ва КПСС Марказий Комитетида илмий-техника тараққиётини тезлаштириш масалалари бўйича ўтказилган кенгашда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг машинасозлар, партия ташкилотлари ва институтлар раҳбарлари олдига қўйган вазифаларидан тегишли хулоса чиқариб олиб мутлақо янги техника ва технологияни яратишга қаратилган бир қатор жиддий тадбирларни амалга оширишга бел боғладик.

Институт коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларида олдинга сурилган вазифаларни ҳал этиш борасида ўзининг бутун куч-ғайратини ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга сафарбар этмоқда. Институтимизда текширувларни мунтазам ўтказиб бораётган меҳнат интизомини мустаҳкамлаш доимий — ҳаракатдаги комиссияси ишлаб турибди. Текширув натижалари бўлимларда, кенгайтирилган йиғилишларда, илмий кенгашларда, партия мажлиси ва умумий йиғилишларда муҳокама қилинмоқда. Меҳнат интизомини бузувчи айрим кишиларга нисбатан интизомий ва жамоат чоралари қўлланилмоқда.

Бизнинг асосий вазифамиз — XI беш йиллик топшириғини муваффақиятли бажариш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш ва республикамиз социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришда барча куч-ғайратимизни сафарбар этишдан иборат.

Ё. МУБОРАКОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика ва зилзилага бардошли иншоотлар институти директори ўринбосари, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, техника фанлари кандидати.

Тошкент—янгича анъаналар шаҳри













Миллионлаб совет кишилари бутун куч ва имкониятларини Ватанимизнинг равнақи йўлида бахшида этмоқда. Яқинда бутун мамлакат 50 йиллик юбилейини нишонлайдиган стахановчилик ҳаракати, беш йиллик зарбдорларининг шонли саналари, бутуниттифоқ социалистик мусобақаси, шу кунлардаги кўпсонли ташаббуслар фикримизнинг далилидир.

Тошкент шаҳрида революция қатнашчилари, партия ветеранлари, гражданлар ва Улуғ Ватан урушн қатнашчилари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Ўзбекистонда совет ҳукуматини ўрнатиш учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасини абадийлаштирмоқ, меҳнат коллективларида жанговар ва меҳнат шуҳратн бурчакларини ҳамда хоналарини ташкил этиш, кўча, проспект ва майдонларни архитектурабадиий ва кўргазмалисёсий безаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Республика пойтахтида тўйларни спиртли ичимликларсиз ўтказиш яхши анъанага айланиб бормоқда. Корхоналарда, қурилиш ташкилотларида ҳунар-техника билим юрти битирувчиларини ишчи синфига қабул қилишлар тантанали равишда ўтказилмоқда.

Мактублардан сатрлар

• БОЛАЛАР— БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

Ўсиб келаётган ёш авлодни шонли революция, жанговар, меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш муҳим масаладир.

Бизнинг болалар уйимизда энг кичик тарбияланувчилар ҳам бу масканнинг қандай қилиб ташкил бўлганлиги, бу ерда ким ўсиб, вояга етганлиги ва ҳаётга йўлланма олганлиги ҳақида яхши биладилар. Жамиятда, шунингдек оилада — бизнинг оламиз ғоятда улкан — болалар инсоннятнинг виждони ва қалбидир. Давлатимиз ёш авлод тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда. Биз шу авлодни тарбиялар экамиз, совет турмуш тарзимизни тарғиб қилишимиз, уларда ўз Ватанига, Советлар мамлакатига ифтихор туйғусини уйғотмоғимиз лозим.

Болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Биз ўзимизнинг мамлакатимизда муносиб авлодимизни тарбиялаб, вояга етказишимиз лозим. Чунки болалар — бизнинг келажагимиздир.

А. ХЛЕБУШКИНА,
22-комсомол болалар уйининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

3 ТОШКЕНТ SST ОҚШОМИ

22 ИЮНЬ, 1985 й.





ТОШКЕНТ—ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР ШАҲРИ

Тошкент шаҳри коммунистлари ва меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилини янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, фан ва маданиятни ривожлантиришда янги марраларни эгаллаш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Айниқса шу йилдан бошлаб республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида профессионал касб байрамларини ўтказиш янги анъанага айланди.

Тошкентнинг минглаб ўғил ва қизлари мамлакатимизнинг барча ёшлари қатори Москвада «Империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва дўстлик» шиори остида ўтадиган студент ва ёшларнинг XII Бутунжаҳон фестивалига тайёргарликда актив иштирок этмоқдалар. Бугунги кунда улар фестиваль ҳисобига шанбаликларда ишлаб топилган 60 минг сўмликдан ортиқ маблағни ўтказдилар.

Бизнинг шаҳримизда коммунизм қурилишининг бўлажак бунёдкорларини тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. Кейинги беш йиллик мобайнида Тошкент шаҳрида 51 минг ўқувчи ўрнини умумий таълим мактаблари, 20 мингдан зиёд ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қурилди. Одатдагидек ёз бошланишида ўнлаб пионер лагерларини болаларнинг қувноқ овозлари янгради. Пионер ва комсомоллар зўр иштиёқ билан дам олиш ва меҳнат лагерларида деҳқонларга ёрдам бермоқдалар, келгусида ўзларн учун фойдали бўладиган меҳнатга кўникма ҳосил қилмоқдалар.







• Партия ветерани сўзи

Халқ бахт-саодатини ўйлаб

Партия ва давлат интизомини бузиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

ЎЗБЕКИСТОН Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бутун республика партия ташкилоти фаолиятига қудратли омил бахш этди. У кадрлар танлаш ва айрим коммунистлар ишидаги салбий кўринишларни очиб ташлади.

Мен ўралик ишчиман. 1927 йилда Серов металлургия заводида партия сафига кирдим. 1930 йилда Свердловск коммунистик олий ўқув юртини битирганимдан кейин Қизил Армия сафига чақирилдим. Кейин Тошкент шаҳридаги Туркистон ҳарбий округи штаби қошидаги бир йиллик хизматга чақирилдим. Армия хизматини тугатганимдан сўнг жўнашимиздан бир неча кун олдин биз —жами 20 коммунистни Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўз ҳузурига таклиф этди. У ўша даврда республикада кадрлар билан ишлашдаги оғир аҳвол тўғрисида гапириб берди. Ўшанда олий маълумотли кишилар етишмасди. Шунинг учун бизнинг шу ерда қолиб ишлашимизни сўради.

Мана, 54 йилдирки, мен Узбекистонда яшаб, меҳнат қилмоқдаман.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш тўғрисида ўйлар эканман, сафимизда баъзан енгил ҳаёт кечиришга интилаётган мунофиқлар, манмансираган бюрократлар қаердан пайдо бўлганини ўйлаб, ранжиб кетаман. Бунинг сабаби кадрларга талабчанликнинг пасайиши билан боғлиқ менимча.

Кўпинча шундай бўладики, ишга қариндош-уруғлиги ёки таниш-билишлигига қараб, шу ишга муносиб бўлмаса ҳам қабул қилишаверади. XVI пленумгача рўй бериб келган салбий кўринишларга барҳам берилиши лозим. Кундан-кунга коммунистларга КПСС Уставига ҳеч сўзсиз риоя қилиш борасида талабчанлик ошиб бормоқда. Ҳозир республика жуда яхши, юқори малакали кадрларга эга. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида самарали иш олиб бориш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Биз жамият ва давлат ишлари тўғрисида янада кўпроқ ғамхўрлик кўрсатишимиз керак. Қатъий олға бориб, ҳаётимизнинг барча соҳаларида тартибни мустаҳкамлаш учун курашни актив тус олдиришимиз, бу ишда қатъий ва изчил бўлишимиз зарур.

П. КАПРАНОВ,
1927 йилдан КПСС аъзоси.

Факт ва рақамлар

● «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси хизматнинг янги хили — миллий музика чолғу асбоблари ремонтини жорий этди. Устахона Уйғур кўчасидаги маиший шаҳарчада жойлашган.

● «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Планета» радиоаппаратуралари ремонти ихтисослаштирилган янги ателъесини очди. Янги маиший хизмат кўрсатиш корхонаси магнитафонлар, магнитолалар, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва чет эллардан келтирилган мураккаб музика асбобларини кафолатли ва пулли ремонт қилиб бермоқда.

● Куйбишев районида саҳни 672 квадрат метрдан иборат бўлган маиший хизмат комбинати фойдаланишга топширилди. Бу ерда прокат пункти, сартарошхона ишлаб турибди, якка тартибда кийимлар тикилмоқда, пойафзаллар ремонт қилинмоқда.

● «Миконд» заводида сартарошхона, химчистка қабул пункти, кийим-кечаклар ва пойафзалларни ремонт қилиш устахонаси бўлган маиший хизмат комбинати ташкил этилди. «Мотор» заводида маиший хизмат уйи пайдо бўлди. Бундай маиший хизмат уйи «Средазэлектроаппарат», «Тошкент» мебель бирлашмаси сингари бошқа корхоналарда ҳам ишлаб турибди.

● Пушкин кўчасидаги 65-уйда рангли ва оқ-қора тасвирли телевизорларни ремонт қиладиган «Маяк» янги телевизион ателъеси очилди. Завод қошида буюртма олингандан кейин тўрт соат ичида уйга бориб аппаратураларни ремонт қиладиган «Экспресс-хизмат» ишлаб турибди.

● Навоий кўчасидаги савдо растасида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш комбинати тўққиз хил хизматни бажармоқда. Б. Хмельницкий кўчаси 85-уйдаги комбинат эса аҳолининг холодильниклари, кир ювиш машиналари, чет эллардан келтирган магнитафонларини ремонт қилиб бермоқда. Фарҳод кўчасидаги тўққиз қаватли 23-уйда жойлашган устахоналар эса сартарошхона, кийимлар тикиш ателъеси, фотостудия, мураккаб ва маиший техника ҳамда соатсозлик устахоналари аҳолининг машаққатини осон қилмоқда.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми бўлиб ўтган вақтдан буён турар жойларда маданий-оқартув муассасаларининг иши анча яхшиланди, ёшларни катта авлоднинг меҳнат ва жанговар анъаналари руҳида тарбиялашга катта эътибор берилмоқда.

● Пойтахтнинг кўпгина районларида кўчалар байрамларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Куйбишев шоссесидаги 96-уйда, Ленин номли майдонда Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ташкил этилган бу байрамлар қизиқарли ўтди.

● «Биз дўстликни қўшиқларимиз билан шарафлаймиз». «Тошкентнинг олтин кузи» учинчи Бутуниттифоқ фестивали ана шу шиор остида ўтди. Республикамизда донги кетган санъат коллективлари концертлар беришди. Уларнинг кўпгина корхоналардаги учрашувлари қизиқарли ўтди.

● Тельман номли боғда «Тошкент—нон шаҳри, меҳмондўст шаҳар» деган театрлаштирилган катта байрам ўтказилди. Унда пойтахтдаги «Ташкентхлеб», булка-кондитер, ун комбинати сингари корхоналарнинг аълочи меҳнатчилари, ва юзлаб тошкентликлар қатнашдилар.

● Навоий номидаги театр ва бошқа театр коллективларининг артистлари шаҳар районлари меҳнаткашлари ўртасида «Санъат ва меҳнат иттифоқи» шиори остида ижодий учрашувлар ўтказишди.

● «Тошкент—янгича анъаналар шаҳри» шиори остида касб байрамлари ўтказишни оммалаштириш, ёшларни ишчилар синфининг энг яхши анъаналари руҳида тарбиялаш мақсадида республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида касб байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди.

● «Роҳат» кўлида бўлиб ўтган Ҳамза район меҳнатчиларининг байрами «Меҳнатга шон ва шарафлар» деб аталди.

● Москвада бўладиган жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалига бағишланган байрамлар мароқли ўтмоқда.

...ХАТДА баён этилган бу воқеа анча ҳунук. Унда иштирок этганлар энг қаттиқ жазога дучор бўлишди. Воқеа моҳияти шундай. Тошкент Давлат медицина институтини битириб чиққан В. М. тақсимот бўйича Фарғона областига ишга бориши керак эди. Лекин кераклн одамларга керакли йўлларни топгач ва бундай шароитда пул-мул кераклигини ҳис этиб Тошкентда ишлаш учун қолди. Фақат Совет Иттифоқи врачининг қасамёдинигина эмас, балки совет ахлоқимиз нормаларини ҳам қўпол сўратда, уятсизларча бузди. Бу ҳақда «бир гуруҳ врачлар» ғазаб билан маълум қилишди...

Табиийки, бу факт сиҳчиклаб текширишни ва айбдорларни қаттиқ жазолашни талаб этарди. Шунда маълум бўлдики, В. М. Тошкент шаҳридаги 9-стоматология поликлиникасига ишга кирган. Унн Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ихтиёрига юборган, у ердан 9-поликлиникага жуда қонуний суратда ишга юборишган. Негаки, институтлардан бирининг илмий ходимига турмушга чиққандан кейин эри ишлаётган жойда қолиш ҳуқуқига эга. Ҳозир В. М. ТошМИнинг ортопедия кафедрасида ишлаяпти, кафедрада ҳам, у шу пайтгача ишлаган поликлиникада ҳам шунисн муҳимки, беморлар уни ғамхўр, эътиборли ва софдил одам, деб баҳолаганлар. Бу ҳақда тескари маълумот берган «бир гуруҳ врачлар»чи! Текширишда маълум бўлдики, ҳеч қандай врачлар гуруҳи йўқ экан. «Юмалоқ хат»да келтирилган фактлар ҳам бўлмаган гаплар экан. Бироқ нисонннг асабларини тилка-пора қилиб ташлаган бу иш билан партия органлари, соғлиқни сақлаш министрлиги ва ҳатто ОБХСС ходимлари шуғулландилар. Ҳамма битта хулосага келди. Софдил инсон ва маълумотли мутахассиснинг номини булғаш мақсадидагина фактлар очиқдан-очиқ бузиб кўрсатилган.

«Бир гуруҳ врачлар» бу пайтда ҳамма ёқда айюҳаннос солиб юрарди. Раҳбарлардан бири устидан унинг кандидатлик диссертациясини сотиб олгани ҳақида бу гуруҳдан шикоят тушди. Хатда диссертация неча сўмга сотиб олинганигача кўрсатилган. Маълумот учун кишининг ҳамиятини ерга урадиган яна бир факт келтирилган, гўё унинг учун ҳозир Москвада ҳудди ўша кишилар яназм каттароқ пулга докторлик диссертациясини ёзиб беришаётган эмиш. Бу факт ҳам жиддий текширишни талаб этарди. Негаки, мутлақо медицина фанидан бехабар киши олим бўлишни орзу қилиб қолибди-да. Яна маълум бўлдики, сирли «врачлар гуруҳи» фактларни ёзиб кўрсатган. Фанга мутлақо алоқаси йўқ, кандидатлик диссертациясн ёқлагандан сўнг тўрт йил ичида фанга суқилиб кирншга уринаётган бу киши [айтгандек у диссертациянн СССР Медицина фанлари академиясининг институтларидан бирида ёқлаган] бир қатор илмий ишлар, шу жумладан тўртта монография чоп эттирган. Текшириш шуни кўрсатдики, диссертациянн унинг ўзи ёзган, ҳа, айнан унинг ўзи. Бунда ҳеч қандай пул-мўл фойда бериши мумкин эмас — диссертация Москвада ёқланган. Раҳбарнинг илмий лаёқатини мутахассислар тасдиқлашди.

Бир киши уч марта чет элга бориб келган. У пок эмас, ҳаром пул топади— «юмалоқ хат» эгаларн янги хулоса ясайдилар. Бу сигналнн ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмади, фактлар текширилди. Бинобарин, бу кишн муайян лавозимни эгаллаган, унинг маънавий қиёфаси тоза бўлиши керак, ахир. Ниҳоят, шу нарса аниқландики, бир гуруҳ «юмалоқ хат» эгаларн фақат бир нарсада ҳақ бўлишди— ҳақиқатан ҳам у кишн уч марта чет элга бориб келган эди. Шунда ҳам расмий делегация бошлиғи сифатида борган, путёвка йўлн билан эмас. Бу сафарлар ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ туҳматга учраган кишининг шахсий ташаббуси билан эмас, балки Узбекистон ССР чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамиятн ва СССР «Госкоминтурист»нинг йўлланмаси билан ўтказилган. «Бир гуруҳ врачлар»нинг эса жағи ҳамон ёпилмайди. Бошқармалардан бирининг ходимларн ўз раҳбарига пора бериШаётганн тўғрисида ғирт туҳматдан иборат «юмалоқ хат»ларни энг мўътабар дарғоларгача учирма қилдилар. Яна фактларнн текшир-текшир бошландн. Афсуски, бизда бундай ҳоллар учраб туради. Бироқ мазкур бошқарма бўйича қилинган туҳмат тасдиқланмади.

Шунда яна бир «ҳақиқат учун» курашчи — Ленин районидаги 1-поликлиниканинг хирурги А. И. Турғунов кўкрак кердн. У ўз сигналларида «бир гуруҳ врачлар»нинг кўплаб «юмалоқ хат»ларидаги фактларнинг бир қисмнни келтирган эди. Айни пайтда у шаҳарнинг энг яхшн шифохоналарндан бирининг бош врачнни бир кишнни ўз-ўзнни ўлдириш даражасигача олиб борганн, ўз қўл остидагилар билан қўпол муомала қилишн ва шунинг учун ҳам касалхонада бош врачнинг бир неча ўринбосарлари ўзгартирилганн учун айблайди. Яна турли коммсснялар иш олиб боришди. Аниқланишича, бош врачнинг «қўполлнги» туфайли эмас балки унинг ўринбосарлари ўз юқорн малакаларнни кўрсатганлар, бош врачдан яхшн ташкилотчилик лаёқатнни ўрганганлар ва ўзларн етакчи клиникаларнинг раҳбарлари, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари бўлмоқдалар. Улар бош врач, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач раҳбарлиги остида беморларга меҳрибон муносабатда бўлиш, касб маҳоратининг ажоиб мактабини ўтаганликларини мамнуннят билан эсга оладилар. Бу клиника раҳбарларининг ҳатти-ҳаракатлари туфайли бир кишининг ўз-ўзини ўлдирнш даражасигача борганн ҳақндаги айб ҳам ғирт туҳмат бўлиб чиқди.

Бу айблар афсонавий «бир гуруҳ» «юмалоқ хат» эгалари томонидан эмас, балки конкрет киши, энг нисонпарвар касб эгасн томонидан тўқилган бўлиб чиқди. У билан турли даражадаги идораларда суҳбатлашдирдар, ўзн тақаётган айбларнн конкрет тасдиқловчи доқаал бирон-та далнл келтирншнн сўрадилар. Воажаб, А. И. Турғунов конкрет ҳеч нарса айта олмади. Фақат гапнн айлантирдн, холос. Ёкн фақат нопок шахсларнинг номнни гувоҳ сифатида айтдн, холос. Масалан, улардан бири Тўрахўжаев деган кимса бўлиб, у безорилнги учун ҳукм этилган.

Турғуновнинг иккинчи хотини, қариндошларн ҳам курашга «жалб этилди»— улар Турғуновдан намуна олиб, мансаб учун курашдилар. Қайнанаси унинг қизнни «эзишаётганн» ҳақида ёздн. Бошқа қизи шу пайтда «ҳақиқатни тиклаш» учун янада ўзига хос усул қўлладн. Текширишда шу нарса аниқландики, унинг бу қизи— «Тез ёрдам» врачн Қосимова бўлиб чиқдн, у «Тез ёрдам»да навбатчилик қилаётган кезда беморларга... ўзнни-ўзн чақирган. Бу ишн шундай юзсизларча қилганки, астн қўяверасиз. Қосимованинг танишларидан бири подстанцияга қўнғироқ қилган ва унга сохта чақирикни етказган. Мана, оқ ҳалатлн врачқизил крестли машинада беморга эмас, балкн ўз шахсий ишига шошилмоқда... Худди шу пайтда ҳақиқатан ҳам унинг тошбағир қорагнга эмас, балкн билмнгга муҳтож бўлган беморлар кутиб турншгандир. Бу ҳақда Турғунов ва унинг қайнанаси негадир «юмалоқ хат»да лом-мим дейишмаган.

Турғуновнинг «далил»лари унинг кўзи олдида рад этилдн. Лекин ҳали «врачлар группасн» қолган эдн, уларнинг қасддан қилинган туҳматн ҳақида юқорида гапириб ўтдик. Мана энди, ҳурматли газетхонлар, асосий кутилмаган янгилнкка шайланинг. Ана шу сирли группа Абдусалом Идрисовнч Турғуновнинг ўзн бўлиб чиқди. Буни исботлаш учун ҳатто суд экспертизасн институтининг ўзнга мурожаат этишга тўғрн келдн. «Юмалоқ хат»ларни врачлар группасн номидан айнан унинг ўзн ёзганнни мутахассислар аниқлашдн.

Келинг, энди асосий саволни бериб кўрайлнк: нима учун! Нима учун врачлик дипломи бўлган кишнга, лоақал ўз касбн хусусиятидан келиб чиқиб, туҳмат қандай маънавий, психологик зарар етказишини, ҳатто саломатликка путур етказишнни аъло даражада билган кишига атрофдагиларнинг юзига лой чаплаш керак бўлдн!

Бу сизга нима учун керак эдн, Абдусалом Идрисович! Сиз атрофлича ўтказилган текширишлар пайтидаги каби яна адолат йўлида «жабрланган», биллурдек соф кишн қиёфасига киришинигизни олдиндан сезиб, айрим фактларни эслатиб ўтамиз. Фактлар ўзингизнинг меҳнатдаги таржиман-холингиздан олинган. Сиз 1978 йилдан берн саккизта иш жойнни ўзгартирдингиз. Меҳнат дафтарчангиздан олингаи кўчирма далилнсбот бунга. Гап шундаки, бу вазифалар сизни қониқтирмасдн. Сиз раҳбарлик лавозимларнни қўмсардингиз. Лекин, бунинг учун ўзингизнн кўрсатишингиз керак эдн. Табнийки, бир-икки ой ичида бош врач бўлиш мумкин эмас. Бироқ, бу вақт ўзингизнн бошқа томондан расмий ҳужжатда ёзилганидек — «бадахлоқ хатти-ҳаракатга йўл қўювчи, ҳеч ким билан чиқиша олмайдиган «фисқи-фасодчи» кишн сифатида кўрсатишга биноийдек етардн.

«Қонунсиз равишда иккинчи оила қурши ва қонунсиз равишда квартира олиш»да акс этган ахлоқсизлик учун, сиз учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор олдингиз. Яна эслатиб ўтамиз, адабиёт фонди поликлиникасида озгина вақт ишлаганда ҳам медицина ходимлари устидан юмалоқ хатлар ёзганнгиз, ўзингиз эса поликлиникада ножоиз операциялар билан шуғуллангансиз. Бунинг учун партия ва ишлаб чиқариш мажлисларида муҳокама этилгансиз. Адабиёт фонди поликлиникаси раҳбарлигн 1982 йил майида врачлик этикаси, умумий хирургия нормалари ва қоидаларнни қўпол равишда бузганлигингиз учун сизни Узбекистон ССР Меҳнат қонунлари Кодексининг 41-модда 3-бандига биноан ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ тайёрладм. Лекин, сизнинг тавбангизнн инобатга олиб, ўз ихтиёрингиз билан ишдан кетиш имкониятини бердик. Аттанг.

На поликлиникa маъмурнятн, на касаба союз комитетн зарур талабчанлик кўрсатишмадн. Сизнинг тавбангиз сохта бўлиб чиқдн, зеро, сиз янги иш жойида, афсуски яна эскича — одамлар устндан ғийбат қилиш йўлнни тутдингиз. Яна шунисн даҳшатлики, сиз бу ярамас «тажриба»га бошқаларни тортишга интилдингиз. С номли беморни эсланг. У сал кам бир ой мобайнида қўлингизда даволанган. Сиз амбулаторня картасндан Старовойтова деган кимса машинистка бўлиб ишлашнни билиб олгач, унга ўз уйдирмаларингизни ёзишга бера бошладингиз. У виждони қийналмай анчагина нарсаларни ёздн ва фақат даволанишнинг охнрида анча итоатсиз бўлиб қолдн. Сиз у пайтда Старовойтова сиз билан такрорланмас учрашувлар ҳақндаги хотираномаларни ёзар экан, сизнинг уйдирмаларингиздан нусха олиб қолар эдн. Сизга ана шу нусхаларни кўрсатишган пайтда ҳайратда қолдингиз. Лекин уларда имзоингиз бўлмаса-да, сиз унча фахрли бўлмаган авторлигингизнн тан олишга мажбур бўлдингиз.

Сизнинг «хотираномалар»нигиз яна анчагина саҳифани эгаллашн мумкин эди, лекин жун чиқарамиз ва: буларнинг ҳаммаси сизга нима учун керак эди! — дея қўйилган саволга жавоб берамиз.

Сиз раҳбарлик лавозимларига тирмашдингиз. Лекин бундай маъсулнй қнёфадаги кишилар шундай кўтарилиш мумкинмн! Кимки сизнинг интилишингизни ҳақлн равишда рад этган бўлса, сиз улар ҳақнда ўзингиз ва афсонавий шахслар номндан чарчамай туҳматномалар битгансиз. «Иккинчи хотинингиз»нинг тақсимот бўйича Сурхондарё областига бориш керак бўлган, лекин институтни битирибоқ турмушга чиққан қариндошн Тошкентда қолдн, лекин ўзи даъво қилган ишга жойлашолмадн. Шундан кейин сиз қариндошларингиз билан ҳаммa-ҳаммага жазл қилиб, софдил кишилар устндан шикоятлар ёздингиз.

Сиз раҳбар бўлмоқчи эдингиз. Лекин бунга эришаолмадингиз. Туҳмат, фактларни атайин бузиб кўрсатиш, мунтазам «юмалоқ хат»лар ёзганлик учун — сизнинг авторлигингиз каби уларнинг сохталиги аниқландн — сиз КПСС сафидан ўчирилдингиз.

Узбекистон Компартнясн Марказий Комитетининг XVI пленумн аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасндаги, шу жумладан медицина хизматидаги жиддий нуқсонларни очиб ташладн. Бугунги кунда биз ана шу нуқсонларга қарши қатъият билан олиб борилаётган курашнинг гувоҳларигиз ва эмас, балки бевосита иштирокчиларимиз. Лекин биз курашнн очиқойдин, ҳалоллнк билан, соҳтакимзолар орқасига яширинмай олиб борямиз. Шу жумладан, пленумда қаттиқ қораланган сафсатабозлик, ғийбат қилиш, товламачилик кабн кўринишларга қарши ҳам шундай курашяпмиз. Ҳалол кишилар бундай кўринишларни исташмайдн ва муроса ҳам қилмасликлари керак. Ҳудди шу боисдан Ленни район партия комитетн бюроси очилган фактларга принципнал ёндошиб, сизларнн ишдан бўшатишнинг сизнн КПСС сафидан ўчирнш ҳақндаги қарорнни ўз кучида қолдирдн. Тошкент шаҳар партия комитетн бюроси ҳам шундай қарорга келдн.

Узбекистон Компартнясн Марказий Комитетининг XVI пленумн аҳолнда таъкидладики, раҳбарлик лавозимларига кишиларни, уларнинг снёсий, ахлоқий ва ишчанлик сифатларнни эътиборга олиб кўтармоқ лозим. Лекин 1978 йилда сизни ахлоқсиз ҳатти-ҳаракат, уйн бўла турнб алдамчилнк билан квартира олишда партиядан ўчирншдн. Область партия комитетн тавба-тазаррунгизни инобатга олиб, учёт карточкага қаттиқ виговор ёзиш билан чекланиб, сизни кечирдн. Бинобарин, сиз тегишли хулосалар чиқариб олмоғингиз лозим эдн, лекин бундай бўлмади ва мана энди партия органлари сизни КПСС сафидан ўчирнш ҳақида иккинчи марта қарор қабул қилишга мажбурлар. Негаки, сизнинг қилмишларингиз, сизнинг «юмалоқ хат»ларингиз коммунист деган юксак номга мос келмайдн. Врач, айниқса врач-хирург ўзининг оқ ҳалатига доғ тек-кизиб қўйиши мумкин. Лекин, бу инсонпарварона касбга одамлар кўзи ўнгида доғ теккизиш мумкин эмас!

Ю. КАЗАЧЕНКО,
Н. ПАНЯКШИНА,
«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг махсус мухбирлари.

• Аҳоли турар жойларида

«Факел» тарбиялайди, чиниқтиради

СОБИР Раҳимов районида аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва саломатлигини мустаҳкамлаш борасида бирмунча ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Факел», «Жасорат» клублари эса ўсмирларни ҳар томонлама чиниқтириш, оталар жасоратичи ўрганишга кўмаклашмоқда. Клуб ва спорт майдончаларида амалга оширилаётган ишларни район методик маркази бошқармоқда.

Қиш фаслида «Олтин шайба» клуби соврини учун хоккей мусобақалари ўтказилди. Унинг биринчи ва иккинчи босқичида 405 ўсмир иштирок этди. 23, 40-ЖЭУларнинг ёш хоккейчилари турнирда ғолиб чиқиб, махсус соврин билан тақдирландилар. «Чарм тўп» клуби соврини учун ўтказилган белашувлар янада қизиқарли бўлди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, «Чарм тўп» баҳслари якунланиши маросимида аҳоли турар жойлари командалари ўртасидаги район спартакиадасига старт берилади. Кейин баҳслар бошланади. Ўтган йилги беллашувларда 3500 киши иштирок этганлиги спортнинг бу тури жуда кўп мухлисларга эга эканлигидан далолатдир. Шашка, шахмат, волейбол, стол тенниси, енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказилади. Бу беллашувлар катта ва кичик ёшдаги аҳолини физкультура билан актив шуғулланишга жалб қилишда ўзига хос восита ролини ўтамоқда.

Яқинда матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш» тадбирлари тўғрисида»ги қарорида муҳим масала ўртага қўйилган.

Спорт иншоотларидан тўла фойдаланиш аҳолининг турли тоифакаларини физкультурага жалб қилиш шу кунннинг асосий талаби бўлиб қолди. Районимиздаги педагог ташкилотчилар ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўз иш планларини қайта кўриб чиқишмоқда.

Л. ГОЛУБЕВА,
Собир Раҳимов район турар жой ишлаб чиқариш эксплуатация трестининг катта педагог ташкилотчиси.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

Марказий Комитет аъзолари, партия комитетлари ҳар қандай вайсақиларга, туҳматларга ва шантажчиларга қатъий зарба беришлари керак.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

ОҚ ХАЛАТЛИ ИГВОГАР

ЁКИ «ЮМАЛОҚ ХАТ» ҚАНДАЙ ЁЗИЛГАНИ ХУСУСИДА

ТВ

ЯКШАНБА

23 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Фан ва техника». Киножурнал.
9.50 «Спортлотонинг 25-тиражи.
10.00 «Будильник».
10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.30 «Здоровье».
12.15 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
12.45 «Ералаш» болалар ҳажвий киножурнали.
13.00 «Қишлоқ янгиликлари».
14.00 «Музикали киоск».
14.30 «Ўғилларн». Телевизион ҳужжатли фильм.
15.20 «Қувноқ айиқчалар», С. В. Образцов раҳбарлигидаги Давлат Марказий қўғирчоқ театрининг фильм-спектакли.
16.20 «Ветераилар, Сизлар учун». Музикали кўрсатув.
17.15 «Иван Макарович». Бадиий фильм.
18.40 «Театр, кино ва телевидениеда музика» кўрсатуви саҳифаларида.
19.20 «Халқаро панорама».
20.05 «Қувноқ карусель». Мультфильм премьераси.
20.15 «Агар соғлом бўлай десанг». «Юракнинг жисмоний тарбияси». 3-кўрсатув.
20.30 «Саёҳатчилар клуби».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР кубоги. Финал. «Динамо» (Киев) — «Шахтёр».
23.35 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Қувноқ нотачалар».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.30 Автокросс бўйича Европа чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
12.00 «Қадимий Колхида шаҳри». Телефильм.
12.30 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Бокудан олиб кўрсатилади.
13.00 О. Бальзак. «Горио ота». А. С. Пушкин номидаги Ленинград драма театри фильм-спектаклининг премьераси.
15.15 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Кхмер классик ва халқ рақслари» (Кампучия).
15.45 «Пўлат қандай тобланди». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
16.50 Бутуниттифоқ теннис турнири. «Спартак» теннис стадионидан олиб кўрсатилади.
17.20 «Шамолдан кучли». Илмий-оммабоп фильм.
17.35 «Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари». Г. Свиридов.
18.05 «Ҳужжатли экран».
19.05 «Москвичка». Телеклуб.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 Бадиий ҳаваскорлик ижодиёти кўригининг якунловчи концерти.

● УзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Кумуш ўтлоқ». Болалар учун фильм-концерт.
18.30 Болалар учун. «Бойчечак».
19.00 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». П. Бровка.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 Ахборот».
20.55 Дам олиш концерти. УзССР халқ артистлари Қ. Дўстмуҳамедова, М. Шамаева, УзССРда хизмат кўрсатган артистлар Г. Фозилжонова, У. Муҳамедова, солистлар О. Орифжонов, Б. Холхўжаев ва «Шодлик» ансамбли иштирок этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Улуғбек юлдузи». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.40 Кўрсатувлар программаси.

3-автобус парки коллективи автопарк директори О. И. Исмоиловга отаси

Исмоил АҲМАДЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Фрунзе район эксплуатация хизмати слесари А. Мирзаевга отаси

Муҳаммаджон МИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

22 ИЮНЬ. 1985 й.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Р—12348.